

ХИДИРОВА Гўзал Рустам қизи
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик
институтини стажёр-тадқиқотчиси

КАМОЛИДДИН БИНОИЙ “ШАЙБОНИЙНОМА” АСАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТОПОНИМЛАРИ

Аннотация. Мақолада XVI аср бошларига оид Ўрта Осиё сиёсий-ижтимоий ҳаётидан ҳикоя қилувчи Камоллиддин Биноий қаламига мансуб “Шайбонийнома” асаридаги баъзи жой номлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Камоллиддин Биноий, Шайбонийнома, Шайбонийхон, ўзбеклар, Дашти Қипчоқ, Туркистон, Сигноқ, Хоразм, Чир дарёси.

Аннотация. В статье проанализированы выдержки из произведения “Шайбани-наме”, принадлежащие острому перу Камалиддина Бинаи, повествовавшего о социально-политической жизни Средней Азии в начале XVI века.

Ключевые слова: Камалиддин Бинаи, Шайбани-наме, Шайбанихан, узбеки, Дашт-и Кипчак, Туркестан, Сыгнак, Хорезм, река Чир.

Annotation. The article analyzes excerpts from the work "Shaybani-name", belonging to the sharp pen of Kamal ad-Din Binai, who narrated the socio-political life of Central Asia at the beginning of the 16th century.

Key words: Kamal ad-Din Binai, Shaybani-name, Shaybani Khan, uzbeks, Dasht-i Kipchak, Turkestan, Sygnak, Khorezm, Chirciq River.

1. Долзарблиги:

Камоллиддин Биноий (857/1453, Ҳирот – 918/1512, Қарши) тарихда машҳур форсийзабон шоир сифатида маълум. Унинг ижодидан 3 та ғазаллар девони тўпламлари, 2 та сайланма (мунтахаб) девон, Беҳруз ва Баҳром сарлавҳали маснавий, “Мажмаъ ал-ғаройиб” номли қасидалар тўплами, ҳамда кўплаб алоҳида ғазал, қасида, рубоий, қитъа қабилар бизгача етиб келган. Иккита тарихий асар – “Шайбонийнома” ва “Футуҳоти хоний” ҳам унинг қаламига мансуб. Шоирнинг ижоди фанда яхши ўрганилганини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

“Шайбонийнома” асари Марказий Осиёнинг XV аср сўнггичораги ва XVI асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Унда ўша даврда, ўлкада кечган сиёсий вочеалар билан бир қаторда, кўзга кўринган қабилалар, уларнинг йирик вакиллари, ҳокимиятда тутган нуфузи ҳақида муҳим маълумотлар бор. Тарихчи олимларнинг асаридаги воқеликлар

тахлилига бағишлаб чоп этган тадқиқотлари ҳам мавжуд. Шунингдек, асарда, тарихий воқеалар баёнида, Марказий Осиёдаги жой номлари ҳам эслатиб ўтилади.

Ушбу мақолада Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” асаридаги Марказий Осиё топонимиясига тегишли маълумотларни таҳлил қилиш асосий мақсад қилиб белгиланган ва жой номлари ўлка тарихини ўрганишда қўшимча маълумотлар бериши нуқтаи назаридан долзарбдир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилди.

“Шайбонийнома” асарининг қўлёзма нусхалари кўп. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари хазинасида асарнинг саккизта қўлёзмаси (инв. № 844, 1633, 1632, 3331, 843, 5385, 1235, 3422) мавжуд ва Иинститут томонидан нашр этилган “Шарқ қўлёзмалари каталоги”да уларнинг ҳар бири ҳақида қисқа маълумот берилган [13, Т. I, V, VII, X]. Улардан №844 инвентар рақамдаги қўлёзма нусха энг қадимийси бўлиб, XVI асрда хоннинг шахсий котиби Мирзо Мўмин Мунший, айрим қисмлари (3а, 24а, 31а ва б. варақлар) шахсан Шайбонийхон томонидан насталиқ хатида шарқ қоғозининг икки хил турига кўчирилган. Жами 42 варақ, ўлчами - 22х31, унвони бор (1 б варақ)[13, №315]. Асарнинг № 1632,1633 рақамли қўлёзма нусхалари Хива хони Сайид Исфандиёр (1328/1910–1336/1918)нинг буйруғига биноан Муҳаммад Юсуф томонидан, № 3331 рақамли қўлёзма нусхаси эса, Мулла Жума Ниёзий Хивакий ўғли Мулла Муҳаммад Яъқуб томонидан турли йилларда кўчирилган. Асарнинг яна бир нусхаси хоннинг буйруғи билан 1914–1915 йилда ўзбек тилига машҳур хоразмлик тарихшунос ва адабиётшунос Баёний таҳаллуси билан ижод этган Муҳаммад Юсуф ибн Бобожонбек (1341/1923 йилда вафот этган) томонидан Хивада таржима қилинган ва №3422 инвентар рақами остида қўлёзмалар хазинасида сақланади.

Тарихшунослиги. “Шайбонийнома” фанда икки йўналишда ўрганилган: 1) асарни нашр ва таржима қилиш; 2) асардаги маълумотларга таяниб илмий тадқиқотлар эълон қилиш.

XX аср бошларида россиялик машҳур турколог олим, А.Н. Самойлович эди 1908 йилда Хивага Муҳаммад Раҳимхон II хузурига ташриф буюради ва бу ерда турк филологияси, хусусан, чигатой адабиёти бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб боради. А.Самойловичнинг изланишлари натижаси ўларок, 1910 йил “Записки восточного отделения императорского русского археологического общества” тўпламида “Шейбани-намэ. Персидский университет библиотеки Хивинского хана” номли мақоласи эълон қилинди. Унда асарнинг қўлёзмасини Хива хони кутубхонасидан олгани ва расмга туширгани, тўлиқ

тавсифлагани, матн икки хил хатда ёзилганлигини айтган [15, 0164-0176]. 1944 йили М.Сальенинг “Кемал-ад-Дин Бинаи и его покровители” мақоласи чоп бўлди. А.А. Семенов “Шайбонийнома” асосида шайбоний ўзбек қабилалари ҳаёти ва келиб чиқиши муаммолари, Шайбонийхоннинг Темурийлар давлатини босиб олиши ҳақида ёзган [16]. Р.Г. Мукминовнинг 1954 йилда чоп бўлган “О некоторых источниках по истории Узбекистана начала XVI в.” номли мақоласида Камолиддин Биноий ва унинг тарихий асарларининг тарихшуносликдаги ўрни, бу асарларнинг аҳамияти, уларнинг ўша давр тарихий асарларидан ўзига хос фарқли жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Тожикистонлик олим А.Мирзоев Биноий ва унинг илмий меросига бағишланган монографиясида (1957) унинг ҳар иккала тарихий асари тавсифини, бир-биридан фарқли жиҳатларини беради [12]. Уларда Шайбонийхоннинг болалигидан то 1502 йилгача бўлган давр, шунингдек, Темурийлар давлатининг инқирози ва ҳокимиятга янги сулола – Шайбонийларнинг келиши хусусида сўз боради.

С.К.Ибрагимовнинг “Шейбани-наме” Бинаи как источник по истории Казахстана XV в.” номли мақоласида (1959) асардаги этник маълумотларга тўхталиб ўтилган [7]. Ушбу олимнинг қозоқ халқи тарихи манбаларига оид тадқиқотлари, шу жумладан, “Шайбонийнома”ни рус тилига қилган таржимаси ҳам, вафотидан (1960) сўнг жамланиб, 1969 йилда “Материалы по истории казахских ханств XV– XVIII веков” номли китоб таркибида нашр этилди (1969) [6].

Биноийнинг “Шайбонийнома” ва “Футухоти хоний” асарларини чуқур ўрганган ўзбек олимларидан Б.А.Ахмедов ўзининг “Неизвестная версия “Шейбани-наме” Бенаи” номли мақоласида (1965) уларни бир-бирини тўлдирувчи айнан бир асар эканлигини таъкидлайди.

Бундан ташқари В.В.Бартольд, А.Н.Болдыров, П.П.Иванов, В.П.Юдин, Ч.А.Сториўз илмий ишларида Биноий асарларига мурожаат қилганлар.

2. Тадқиқот натижалари:

Биноийнинг “Шайбонийнома” асари Шайбонийхоннинг туғилганидан то унинг Самарқандни эгаллашигача (906/1501 й.) бўлган тарихни ўз ичига олади. Шунингдек, асарда Зарафшон устидан кўприк қурилиши (908/1502 й.) ва охирги бобларда Шайбонийхоннинг Хоразмни эгаллаши (911/1505 й.) воқеалари ҳам ёритилган. Асарда Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоқ худудида Шайбонийхон ҳукмронлигида кечган ҳарбий-сиёсий воқеалар ёритилиши асносида турли жой номлари келтирилган.

Туркистон. Туркистон топоними “Шайбонийнома”нинг энг қадимги №844 рақамли қўлёзма нусхасида *ترکستان* яъни Туркестон, Туркистон шаклида ёзилган ва вилоят номига нисбатан қўлланилган [9, 5а]. Асарда

Шайбонийхоннинг Султон Аҳмад билан бўлган жанги ҳикоясида Туркистон жой номи бир неча маротаба қайд этилган, жангдан сўнг улар Туркистон вилоятига йўл олгани айтилади: “Ўша вақтлар Туркистон марҳум Султон Абу Саиднинг катта ўғли Султон Аҳмад Мирзо кўлида эди. Туркистоннинг ҳоқими Амир Муҳаммад Мазид тархон эди. Бутун ёз у Туркистонда бўлди ва ўша кишни кишлов учун Қорақўлда ўрнашди”[6, 101]. “Бобурнома”да XV асрнинг иккинчи ярмида бўлган воқеалари баёнида Ясси шаҳри ва унинг атрофидаги вилоят шу ном билан қайд этилган. “Бобурнома”даги бу маълумотни Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”сидаги қуйидаги байт тасдиқлайди:

Айладинг лутф анго Туркистонни,
Яъниким Ясси била Сўронни(тўғриси: Савронни) [13,328].

Ушбу байтдаги Савронжой номи Биноийнинг “Шайбонийнома” асарида вилоят номи сифатида Саброн шаклида учрайди. Асарнинг қўлёзма нусхасида ёзилиш шакли: صبران . Саброн жой номи асарда Туркистон, Ясси вилоят номлари қаторида тилга олинади. Яна бир XVI аср манбаларидан Шайбонийхоннинг юришларида шахсан иштирок этган Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Исфаҳонийнинг “Меҳмоннома-йи Бухоро” асарида Туркистон жой номи кўп ўринларда қайд этилган ва асарда унинг географик тавсифи батафсилроқ баён қилинган: “Туркистон машҳур аҳоли масканларидан бири ҳисобланади. У ўзининг афзалликлари ва хусусиятларига кўра ер юзида ноёб (жой) саналади. Дунёнинг олиму фузалолари Туркистонни бошга ўхшатишади. Чунки ерлар ободончилик таърифи жиҳатидан инсоннинг тана аъзоларига қиёсланса, бу саодатли ўлка бошқа ерлар орасида бош бўлган бўларди. Туркистон [вилояти]Сайхун дарёси бўйида жойлашган 30 та қалъадан иборат”. Шунингдек, асарда баҳорда Туркистон ўлкасини жаннат боғларига, гулларга тўла Эрам боғларига қиёс қилинади. Сувлари, ҳавосининг мусаффолиги таърифланади ва ҳеч қачон Туркистонда бирор тирик жонзотда қандайдир умумий касаллик ёки ўлат тарқалмаган, дея қайд этилган [19, 73-75].

Сузақ. Туркистон вилояти учун Жонибекхоннинг тўнғич ўғли Маҳмуд Султон ва Шайбонийхон ўртасида айна киш вақтида қаттиқ жанг бўлади. Бу ҳақда “Шайбонийнома”да ўша йили киш қаттиқ келгани ҳақида муҳим маълумотлар қайд этилган. “Ва ниҳоят Маҳмуд Султон ва марҳаматли хон Сузақ яқинига келдилар. Иккала томон учрашган вақтда шунақа кучли қор ёғдики, одамлар ва отлар ҳатто кўз очишга ҳам кучлари йўқ эди”, “Ўша куни у (хон) кўзғалишга буйруқ берганда, ҳаво шунчалик совуқ эдики, ҳар қандай имкон чегарасидан ортиқ эди. Ҳар одам ҳайқирарди: “Бизга мусибат етди!”. Барча одамларнинг қўл оёқлари шунчалик совқотдики, гўё қўл ва оёқлари мурдага айланди”. [6, 105]. Бу тарихий воқеалар баёнида **Сузақ** жой номи бир неча маротаба қайд этилади ва у қозоқлар ҳукмида бўлганлиги таъкидланади: “Қозоқлар ҳукмида бўлган Сузақ вилоятида (Маҳмуд Султон) кенгаш

дарвозасини очди”[6, 106]. Асарнинг қўлёзма нусхасида бу жой номи سوزاق Сузоқ (ёки Сузақ) шаклида учрайди [9, 10а].

Сифноқ. Асарда Шайбонийхон қўлга киритган Дашти Қипчоқ ва унинг худудларидаги Арқуқ, Сифноқ қалъалари тилга олинади: “... (хон) Дашти Қипчоқ томонга йўл олди ва Арқуқ қалъасига етди”, “У барча қалъалардан охиргиси бўлиб Сифноқ қалъасини қўлга олди. Ҳазрат Муҳаммад Шайбонийхон Сифноқ қалъасида тўхтади” [6, 103]. Асарда Сифноқ баъзан қалъа, баъзида вилоят деб қайд этилган ва у Шайбонийхон учун муҳим марказ бўлган. “Шайбонийнома”нинг №844 рақамли қўлёзма нусхасида سيغناق яъни “Сифноқ” шаклида ёзилган [9, 7а]. Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” ва Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарларида бу жой номи қайд қилинмаган. Бироқ, Рўзбеҳон Исфаҳонийнинг “Меҳмоннома-йи Бухоро” асарида Сифноқ шаҳар номи сифатида тилга олинади ва таърифи берилади: “Сифноқ мулки Дашт вилояти шимолий томонларининг поёнидир. Қадимда у жуда катта ва гуллаб яшнаган шаҳар бўлган. Бутун вилоят обод, унда фаровонлик ва тинчлик ҳукм суради. Бу шаҳар чиндан ҳам Дашт-и Қипчоқнинг чегара шаҳри ҳисобланади ва бутун дунёга майдонининг кенглиги, хавфсизлиги ва тинчлиги билан машҳур. Қадимги даврларда ва ўтган асрда бу обод ва қувончга тўла ўлкада яшовчи аҳоли шунчалик кўп бўлганки, ҳар куни бозорларда 500 туя қайнаган ва кечга бориб бозорларда бир парча ҳам қолмаган. Унинг далаларга ишлов берадиган барча суғориш тармоқлари Сайхун дарёсидан чиққан. Ўлканинг чўллари ва даштлари сувга, ўтга, ёкилғи учун буталарга бой. Даштларида худди қўйлар подасидек оққуйруқ, қулон, чўл қўйлари ва бошқа турли ҳайвонлар ўтлаб юради. Бу вилоят аҳолиси иссиқ вақтлари кўп ов қилишган ва қишга озик-овқат ғамлашган. Бу мулкда гўшт маҳсулотлари арзон” [19, 116]. Шунингдек, Сифноқнинг тижорат маркази эканлиги, аҳолисининг хусусиятлари, Абулхайрхоннинг Сифноқдаги қабри ҳақида маълумотлар қайд этилган.

Шайбонийхоннинг Бухоро шаҳрига юриши ҳикоясида унинг Бухорога **Хоразм** орқали борганлиги ҳақида сўз боради, “У Хоразм атрофларида бўлган вақтда у вилоят Султон Ҳусайн Мирзо ҳукми остида эди ва у вилоятнинг доруғаси Амир Абдулхолиқ ибн Аҳмад ибн Фирузшоҳ эди”. Кейинчалик қўшини сони кўпайган Шайбонийхоннинг Хоразмга юриши ҳикояси баёнида Хоразм ва унинг атрофларидаги жой номлари тилга олинади. Асарда Хоразм баъзан вилоят, баъзан қалъа сифатида қайд этилади: “Сифноқни олиш билан унинг кўнгли тўлмади ва Хоразм вилоятига йўл олди. Йўл юриб у Тирсак қалъасини эгаллади, уни мустаҳкамлади, у ерда ўзининг одаманиқолдирди ва ўзи Хоразм қалъаси томон кетди” [6, 113]. С.К.Ибрагимовнинг фикрича, Биноий асарда бу ном остида Хоразм вилояти пойтахти Урганч шаҳрини

назарда тутган. “Таворих-и гузида-йи нусрат-нома”да айтилишича, ўзбекларнинг “пойтахт шаҳар”ларни олиш мақсадлари бўлган. О.Бўриевнинг фикрича, XVаср манбаларида Хоразм ва унинг пойтахти ҳам одатда “Хоразм” номи билан аталган. “Бобурнома”да ҳам Хоразм топоними ва унинг Муҳаммад Шайбонийхон томонидан эгалланиши билан боғлиқ воқеалар баён қилинган. Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома”сида Хоразм вилоятига лашкар тортиб борғони ҳикояси” баёнида Хоразм вилояти топоними билан бирга Кот, Хива/Хева/, Хивак, Ўкуз (дарё номи), Урганч, Ҳазорасб жой номларикелтирилади; туркманлар билан қўшни эканлиги ҳам тилга олинган:

Хон деди: “Якжиҳат элдур бисёр,

Туркмон бирла бўлубтурлар ёр (13, 293).

Йиланўтти. “Шайбонийнома”нинг қўлёзма нусхасида ёзилиш шакли *يیلان اوتی* [9, 12a]. Шайбонийхон Султон Аҳмад Мирзо билан иттифоқчиликда Туркистонга Маҳмуд Султон билан жанг қилиш учун отланади. Асарда воқеалар баёнида “Муҳаммад Шайбонийхон Султон Аҳмад Мирзо билан биргаликда Йиланўти орқали ўтганда Тизак(Дизак)да тўхтади”, дейилади [6, 109]. Бунда Йиланўтти Жиззах ва Самарқанд орасидаги Илонўтти (маҳаллий шевада Жилонўтти) дараси назарда тутилган. С.Қораевнинг маълумотига кўра, дара номининг келиб чиқиши номаълум, илон кўп бўлганидан ёки Сангзор дарёси илон изига ўхшаб оққани учун деб тахмин қилинади. Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома”сида бу дара номи қайд этилмаган, лекин унга ёндош ҳудудлар номлари Ўратепа, Диззак, Сабза (ҳозирги Зомин) жой номлари тилга олинади.

Тизак. Биноийнинг “Шайбонийнома”сида Тизак жой номи тилга олинади. Мазкур асарнинг қўлёзма нусхасида ёзилиш шакли – *تيزاک* [9, 12a]. Мовароуннаҳрдаги қўрғонлардан бири Дизак, яъни ҳозирги Жиззах шаҳри. “Бобурнома”да Дизак шаклида қайд қилинган. Асарда Заҳириддин Бобур Самарқанд шаҳрини Шайбонийхонга қолдириб Андижон томонга йўл олганида, уч-тўрт кун Дизакда тўхтагани айтилган. Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома” асарида Диззак шаклида учрайди:

Борди хон қалъайи Диззак сори,

Салтанат аҳли мулозим бори [13, 136].

Хос. Асарда яна қадимий Уструшопага қарашли Хос ва Ховас топонимлари қайд этилади: “Уер (Дизак)дан бир манзил ўтиб, [хон] Хос ва Ховасда тўхтади” [6, 109]. Асарнинг қўлёзма нусхасида *خاص* шаклида ёзилган [9, 12a]. Хос – Хўжанд вилоятида Хўжанд дарёси (Сирдарё) бўйида жойлашган кент.

Хавос. Ҳозирги Жиззах вилоятига қарашли Ховас жой номи назарда тутилган. “Шайбонийнома”нинг қўлёзма нусхасида ёзилиш шакли *خواص* [9,

12а]. Ибн Хурдодбеҳ уни Зоминдан 6 фарсах масофада жойлашган деб қайд этади. Ас-Самъоний асарида Ховасшаклида учрайди. “Бобурнома”да эса, Хавос шаклида 899 (1494) йил воқеалари баёнида Шоҳрухия ва Ўратепа оралиғида жойлашган кент сифатида қайд этилган. Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида Хавост шаклида қайд этилган ва географик тавсифи берилган:

Борибон Хавост деган кишварга,
Еттим ул Хавостдоғи сарварга.
Хавост Кобулға ёқин бир ер эмиш,
Ким ани кўрса, жаҳаннам дер эмиш[13,269].

Чир. “Шайбонийнома”да Чирдарё номи келтирилади. Асарнинг қўлёзма нусхасида *چير آب* яъни Оби-и Чир шаклида берилган [9, 126]. Туркистонга Маҳмуд Султонга қарши йўлга чиққан Шайбонийхон дарёни кесиб ўтиб (бу ерда Сирдарё назарда тутилган бўлиши керак), Шоҳрухия атрофларида тўхтаганлиги ва Тошкент йўли бўйлаб Туркистонга йўл олганлиги айтилади. Бу дарё “Бобурнома”да Чир суйи деб берилган ва турли тарихий воқеалар баёни муносабати билан бир неча марта эслатиб ўтилган, “Чир суйиниким, Тошкандтин икки шаръий йўл бўлғай” деб дарёни шаҳардан 13 км узоқликда оққанини айтган. Ҳозирда Тошкент вилояти ҳудудидаги Чирчик дарёси назарда тутилган.

Андижон вилояти. “Шайбонийнома”нинг қўлёзма нусхасида вилоят номи сифатида қуйидаги шаклда ёзилган: *ولایت اندجان* яъни Андижон (вилояти) [9, 186]. Андижон топоними асарнинг бир неча жойида қайд этилган. Ҳусусан, Алача-хон (Султон Аҳмадхон)га қарши жангга кириб, уни Андижон вилоятида қувлаб етгани баён қилинади. XV аср охирида Андижон аҳамияти бўйича Фарғонадаги биринчи шаҳар бўлган. Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”сида Андижонга черик тортқони ҳикояси баёнида Андижон, Ахси, Марғинон, Ўш жой номлари тилга олинади ва Андижоннинг боғдорчилиги, мевалари тавсиф қилинади:

Андижон меваси бисёр эрди,
Ҳар не андо тиласанг бор эрди,
Неъмат мева пишиб эрди тамом,
Ошлиғи ҳам етишиб эрди тамом.
Элга бисёр фароғат эрди,
Мева бирла бори қўшлартўлди [13, 250].

Бухоро. Биноийнинг “Шайбонийнома” асарида Бухоро ва унга қаршли Қорақўлжой номи ҳам асарда кўп ўринларда қайд этилган. Асарнинг қўлёзма нусхасида ёзилиш шакли *بخارا*[9, 7а]. Шайбонийхон Самарқанд яқинида Саброн деган жойга етганида Жонибекхоннинг ўғли Иранжихон билан жанг қилади ва

ўзининг ишончли бекларидан Алика Султон бу жангда ҳалок бўлади. Бу воқеадан сўнг Бухорога йўл олади. “Ўша вақтда Бухоро ҳокими Амир Абд ал-Али Тархон эди. Икки йил давомида Муҳаммад Шайбонийхон Бухорода таълим олди” [6, 103]. Шайбонийхоннинг Мовароуннахрни забт этиш учун кураши йилларида кечган сиёсий жараёнлар Бухорога ҳам дахлдор бўлган. 1500 йили Бухоро, Қоракўл ва Самарқанд Шайбонийхон ихтиёрига ўтади. Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида Бухоро топоними Бухоро, Бухор шаклларида учрайди. Бундан ташқари, асарда Қарокўл, Чоржў, Дабуси (қалъа номи сифатида) жой номлари учрайди. “Бобурнома”да Бухоро вилоятининг бир нечта туманлари борлиги, турли мева ва сабзавотлар яхши бўлиши қайд этилган. “Мовароуннахрда Бухоро қовунича кўп ва хуб қовун бўлмас. Бухорода ҳар жинс қовундин кўп бўлур ва яхши бўлур. Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас. Парвози товуғи ва қози бисёр бўлур” [4, 16].

Ҳисори Шодмон. “Шайбонийнома”да Ҳисори Шодмон(Ҳисорвилояти) жой номи эслатилади. Қўлёзмада ёзилиш шакли *حصار شادمان* [9, 22a]. Унга кўра, Ҳисори Шодмон Султон Маҳмуд Мирзо ҳукмронлиги остида бўлган. У Самарқанд тахтига кетгандан сўнг, мазкур вилоят бошқарувини ўғли Султон Масъуд Мирзога берди. Бу воқеалар “Бобурнома”да ҳам муфассал ёритилган. Муҳаммад Солиҳ асарида ҳам Ҳисор жой номи бир неча маротаба қайдқилинган. Академик В.В. Бартольднинг фикрига кўра, Ҳисори Шодмон жой номи баъзида Ҳисор шаҳри номига нисбатан ишлатилган. Бу фикрни О.Бўриев ҳам тасдиқлайди. Унинг фикрича, Ҳисор (Ҳисори Шодмон; Ҳисор вилояти) жой номи – Темурийлар даври манбаларида икки хил маънони англатган: 1) вилоят номи – Ҳисор вилояти; 2) шаҳар – кўрғон, Ҳисор вилоятининг маркази.

3. Хулосалар: Тадқиқотлардан маълум бўладики, Биноийнинг “Шайбонийнома” асари муҳим тарихий топонимик маълумотларни ўз ичига олган. Асарда Мовароуннахр ва Дашти Қипчоқ ҳудудидага оид 41 та жой номлари қайд этилган. Асарда Сирдарёбўйи шаҳарларидан Саброн, Сигноқ, Аркук, Ўтрор, Ўзганд, Оққўрғон, Ясси, Сайрам, Сузак жой номлари, Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларидан Самарқанд, Бухоро ва унинг Қоракўл тумани, Хоразм ва унинг Вазир, Булдумсоз шаҳарлари, Андижон ва Аҳси, Тошкент ва Шоҳрухия, Бадахшон, Ҳисори Шодмон, Қундуз ва Термиз, Қарши ва Кеш тарихий вилоятлари, дарё номларидан Чир ва Сир дарёлари, тоғ номларидан Олатоғ, Соғунлук доवони, Илонўтти дараси каби тарихий объект номлари тилга олинган. Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” асарида келтирилган юқоридаги жой номларини бошқа XVI аср манбаларидан Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома”, Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Рўзбехон Исфаҳонийнинг

“Меҳмоннома-йи Бухоро” асарларидаги маълумотлар билан солиштириш асносида жой номлари номланишида баъзи кичик фарқлар кўринди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахмедов Б.А., Неизвестная версия “Шейбани-наме” Бенаи. ОНУ, 1965, №2, стр. 51–55.;
2. Ахмедов Б.А., Тарихдан сабоқлар. Биноий “Шайбонийнома” асарининг номаълум нақли.– Тошкент, 1994. – Б. 245.;
3. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Изд-во “Фан” Узбекской ССР. – Ташкент, 1985. С. 259.
4. Бўриев О. “Бобурнома”даги топонимлар изоҳли луғати. – Тошкент: “Наврўз”, 2015. – 140 б.
5. Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир хайъати А.Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А.Аъзамов. – Тошкент: “Шарқ”, 2014. – 744 б.
6. Ибрагимов С.К. “Материалы по истории казахских ханств XV – XVIII веков (Извлечения из персидских и тюркских сочинений)”, Алма-Ата, 1969, стр. 91–127, 507–511.;
7. Ибрагимов С.К. “Шейбани-наме” Бинаи как источник по истории Казахстана XV в. Труды Ин-та востоковедения. АН КазССР, Сектор востоковедения, т. I. Изд-во АН КазССР. Алма-Ата, 1959, стр. 190–207.;
8. Ибрагимов С.К., Некоторые источники по истории Казахстана XV–XVI вв. «Вестник АН КазССР», 1956, №9.
9. Камолиддин Биноий. Шайбонийнома. ЎзР ФА Шарқшунослик Институти фонди, №844.
10. Мадраимов А., Фузаилова Г., Манбашунослик. Тошкент, 2008. – Б. 208.
11. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихий Рашидий (Нашрга тайёрловчи, сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О.Ё. Жалилов; масъул муҳаррир С. Ҳасанов; ЎзР ФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ис-ти. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 704-б.
12. Мирзоев А. Бинои. Академия и Фанҳои РСС Тоҷикистон. Институти забон ва адабиёт. Нашриёти давлатии Тоҷикистон. Сталинобод, 1957 (на тадж. яз.).
13. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома.[Нашрга тайёрловчи Насрулло Даврон] – Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1961.
14. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. –240 б.

15. Самойлович А. Шейбани-намэ. Персидский университетской библиотеки Хивинского хана. ЗВО ИР АО, т. XIV, СПб., 1910. стр. 0164–0176.
16. Семенов А.А., К вопросу о происхождении и составе узбеков Шейбани-хана, – “Труды АН ТаджССР”, XII, Сталинабад, 1954.; Семенов А.А., Первые шейбаниды и борьба за Мавераннахр, – “Труды АН ТаджССР”, XII, Сталинабад, 1954.; Семенов А.А., Шейбани-хан и завоевание империи тимуридов, – “Труды АН ТаджССР”, XII, Сталинабад, 1954.
17. Собрание восточных рукописей АН Узбекской ССР. Т. I, V, VII, X. Т.: Изд-во “Наука” АН Узбекской ССР. 1962.
18. Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Переработал и дополнил Ю.Э.Брегель. Т. II, М.: 1972. стр. 1116–1118.
19. Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-наме-йи Бухара (Записки Бухарского гостя). Пер., предисл. и прим. Р.П. Джалиловой; Под ред. А.К. Арендса. – Москва, 1976.
20. Эркинов А. Проблемы востоковедения. Российская империя и Хивинское ханство (русские: ученый А.Н. Самойлович и путешественник В.Г. Ян в хивинском дворце в начале XX в.). 2013/3 (61). С. 84-91.